


“Grand ta’lim” муассасасида Халқаро араб тили кунига бағишлаб тадбир ўтказилди



17:02 / 18.12.2018 3764

Бугун “Grand ta’lim” нодавлат таълим муассасасида “Халқаро араб тили кунини” муносабати билан тадбир бўлиб ўтди. Тадбирни муассаса директори Музаффар Саттиев очиб берди.




Муассаса раҳбари БМТнинг расмий тиллари қаторидан араб тили муносиб жой олгани, бугунги кунга келиб араб тили дунёда энг кенг тарқалган тиллардан бири бўлиб, 422 миллиондан ортиқ киши шу тилда гаплашиши, 20 дан ортиқ араб давлатлари аҳолисидан ташқари кўпгина мамлакатларда, хусусан мусулмон юртларида ҳам араб тили қизиқиш билан ўрганиладиган, эҳтиром кўрсатиладиган тил ҳисобланишини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Шу ўринда “Grand ta’lim” нодавлат таълим муассасасида 10 йилдан буён араб тили грамматикаси, сўзлашув услуби ва қоидалари малакали педагоглари томонидан ўқитиб келинаётганини эслатиб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Шундан сўнг сўз “Hilol-nashr” нашриёт-матбаа корхонаси раҳбари Исмоил Муҳаммад Содиққа берилди.

Image not found or type unknown




- Бугунги тадбирнинг ўтказилишидан, айниқса ўғил-қизларни билим олишга иштиёқининг баландлиги, хусусан, муқаддас Қуръони карим тили, Пайғамбаримиз Муҳаммад солаллоҳу алайҳи васалламнинг тиллари ва динимиз Исламнинг тили бўлган араб тилини ўрганишга бўлган ҳавас, қизиқиш ва бу борадаги жонбозликларини кўриб кўп хурсанд бўлдим. Бугунги "Халқаро араб тили куни" муносабати билан барча ўқувчи ва жонкуяр педагогларимизни чин қалбдан муборакбод этаман. Азиз ўқувчиларнинг келгусида етук билимли, салоҳиятли инсонлар билан етишишларига тилакдошман.

Image not found or type unknown



Image not found or type unknown




Тадбир давомида "muslimaat.uz" сайти раҳбари, олима Одинахон Муҳаммад Юсуф ҳам тадбир иштирокчиларини муборакбод этди. Табрик асносида халқимиздаги араб тилига бўлган кучли қизиқиш, тарих давомида араб тили ва исломий билимлар борасида юртимиздан етишиб чиққан буюк олимлар қолдирган бебаҳо илмий мерос ҳақида тўхталиб ўтди.

Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Сўз ниҳоясида “Grand ta’lim” таълим муассасасининг асосчиси бўлмиш Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф раҳимахуллоҳнинг ҳақларига дуо қилинди.

Islom.uz портали таҳририяти